

КОНСТИТУЦИЯ – ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.59.61.045>

Муталлибжонов Усмонжон Ихтиёржон ўғли

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
гуманитар фанлар кафедраси ассистенти
Андижон, Ўзбекистон*

Аннотаация. Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, мазмун-моҳиятини халқ, айниқса ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятига сингдириши. Шу тариқа жамиятда конституцияга, қонунга нисбатан юксак ҳурмат муҳитини яратиши, ижтимоий муносабатларни конституциявий ҳуқуқий тартибга солиши савиясини юқори даражага кўтаришидир. Энг муҳими, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириши, ҳар бир фуқаро ўзининг Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини тўла идрок этиши орқали ўзлигини мукамал англаб этишига эришишидир.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун, эркинлик ва бурчлар, жамият, ривожланиши.

КОНСТИТУЦИЯ - ГАРАНТИЯ НАШИХ ПРАВ И СВОБОД

*Муталлибжонов Усмонжон Ихтиёржон ўғли
ассистент кафедры гуманитарные науки*

*Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий
Андижан, Узбекистан*

Аннотация . Интегрировать роль и значение Конституции в обществе, ее сущность в правовое сознание, мышление и культуру народа, особенно молодого поколения. Таким образом, создать в обществе атмосферу высокого уважения к Конституции, закону, поднять уровень конституционно-правового регулирования общественных отношений на высокий уровень. Самое главное - повысить правовую грамотность населения, добиться совершенного осознания своей идентичности путем обеспечения того, чтобы каждый гражданин имел права, свободы и полноту обязанностей, закрепленных в его конституции.

Ключевые слова: Конституция Республики Узбекистан, закон, свобода и обязанности, Общество, развитие.



CONSTITUTION-GUARANTEE OF OUR RIGHTS AND FREEDOMS

Mutallibjonov Ismoiljon Ixtiyorjon o'g'li
Assistant of the Department of "Humanities"
Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies. Andijan,
Uzbekistan

Abstract. To integrate the role and significance of the Constitution in society, its content into the legal consciousness, thinking and culture of the people, especially of the younger generation. In this way, it is to create an atmosphere of high respect for the Constitution, the law in society, to raise the level of Constitutional Legal Regulation of social relations to a high level. The most important thing is to increase the legal literacy of the population, to achieve a perfect understanding of its identity by ensuring full understanding of the rights, freedoms and duties that each citizen has enshrined in the Constitution.

Keywords: Constitution of the Republic of Uzbekistan, law, freedom and duties, Society, Development.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - олий юридик кучга эга ҳуқуқий ҳужжатдир. Унинг қабул қилиниши ҳуқуқий тикланиш ва тараққиёт сари қадам бўлди. Мустақиллик Конституцияси давлатимиз мустақиллигининг улкан рамзи бўлиб, унда ўз истиклол ва тараққиёт йўлимиз акс этади. Уни келгуси авлод эркинлик, мустақиллик, озодлик ва ҳурлик тантанаси сифатида тарихда эъзоз-ҳурмат билан тилга олади. Ўзбек халқи ана шундай улуғвор Конституцияга муносиб буюк халқдир. Ўзбекистон Конституцияси халқ хоҳиш-иродасини ифода этувчи адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт куриш ва уни ривожлантиришнинг истикболларини белгилайди. Унда инсон ҳаёти, унинг шаъни, кадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари олий қадрият сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. Асосий Қонунимизда белгиланган нормаларнинг ҳаётда амалий ифода топишида ўсиб келаётган ёш авлоднинг Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида ҳуқуқий билимга эгаллиги, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятнинг юксаклиги муҳим рол ўйнайди. Шунини ҳисобга олиб давлатимиз таълимнинг барча тизимларида ҳуқуқий таълим ва тарбияни янада яхшилашга устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ҳуқуқий таълимни ривожлантириш соҳасида диққатга сазовор амалий ишлар қилинмоқда. Биз қонун устувор бўлган жамият барпо қилмоқчимиз. Қонун устуворлиги - бу қонунга риоя этиш ҳамма учун мажбурий бўлган, уни бузишга асло йўл қўйиб бўлмайдиган ҳуқуқий ҳаётнинг тартибдир. Шунинг учун шу ҳаётнинг тартибга ўзимизни тайёрлаб ва етарли ҳуқуқий билимларга эга бўлиб боришимиз лозим. Шунини айтиш керакки, фақат ҳуқуқий билимли бўлишнинг ўзи етарли эмас, шу билан бирга эгаллаган билимларни ҳаёт да қўллаш олиш маданиятини ҳам ўзимизда тарбиялаб боришимиз керак. Чунки ҳуқуқий

билим ва уни амалда қўллаш маданияти ҳуқуқий маънавий қиёфамизни кўрсатувчи мезондир.

Инсон ҳуқуқлари муаммоси бугунги кунда инсоният олдида тураётган энг долзарб муаммолардан биридир. Айнан инсон ҳуқуқларининг таъминланганлик даражаси билан давлатнинг демократик ривожланганлик даражаси ўлчанади, инсон ҳуқуқлари муайян бир мамлакатда демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш сиёсатининг ўзига хос банометридир. Зеро, инсон ҳуқуқларини таъминлаш жамиятнинг барча жабҳалардаги тараққиётнинг асоси, чунки инсон ҳуқуқлари таъминланган жамиятда рақобат муҳити пайдо бўлади ҳамда ижобий ўзгаришлар ва янгиланишлар суръатлари жаддалашади ҳамда пировардида демократик ҳуқуқий давлат куриш бўйича стратегик мақсадга эришилади.

Ўтган давр мобайнида Конституциямиз Республика мустақиллигининг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашда, барча соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишда ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Шу билан бир қаторда давр синовларидан муваффақиятли ўтиб, мустақиллигимизнинг ҳамда инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларининг чинакам кафолатига айланди. Қомусимизда биринчи навбатда, шахс манфаати давлат манфаатидан устун ғоясига асос солинган бўлиб, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳраб қўйилди. Конституциямизда фуқароларнинг тенглиги, эркинлиги ва дахлсизлиги, ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрият эканлиги, ҳар қандай қонунга хилоф тажовузлардан муҳофаза қилиниши, қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олинмаслиги ёки қамокда сақланмаслиги, қийноққа солинмаслиги каби энг муҳим ва мухтасар қоидалар қатъий мустаҳкамлаб қўйилди.

Конституциямизда белгиланган нормаларга ҳамоҳанг ҳолда ўтган даврда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг яхлит тизими яратилди, инсон ҳуқуқлари бўйича таълимнинг узлуксиз тизими барпо этилди, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мониторинг олиб бориш тизими ишлаб чиқилди, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг нодавлат тизими, фуқаролик жамияти институтлари фаол ривожлантирилди ҳамда бу соҳада самарали халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Конституциявий-ҳуқуқий тараққиётимизнинг яна бир муҳим жиҳати – давлатимиз ривожланишида инсонпарварлик тамойиллари тобора мустаҳкамланиб, жинсий жазоларни либераллаштириш, ижтимоий адолат, жазонинг муқаррарлигини таъминлашга эришиш борасида салмоқли ютуқларга эришганимиздир. Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим кафолати сифатида намоён бўлади.

Хусусан, Ўзбекистон Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш

чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда Ҳаракатлар стратегияси асосида 2017 йил 6 апрел ва 31 майда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни рўёбга чиқаришга қаратилган принсипиал қоидаларни ўзида мужассам этди.

Юқоридаги қонунлар асосида Конституциямизнинг 80, 81, 83, 93, 107, 108, 110, 111-моддаларига тегишли ўзгартишлар ва қўшимча киритилди. Конституциямизга киритилган мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иши юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди, Судялар олий кенгашига конституциявий мақом берилди, маъмурий судлар ташкил этилди ҳамда Конституциявий суд ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди.

Хусусан, суд тизимида иқтисодий ва маъмурий судлар ташкил этишни назарда тутувчи ушбу конституциявий ўзгартишлар мамлакатимизда олиб борилаётган маъмурий, иқтисодий, бозор ислоҳотларини суд-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш самарадорлигини оширишнинг, хусусий мулк ҳуқуқини, тадбиркорлик фаолиятини судда ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланади. Жумладан, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, давлат органларининг ҳаракатларига ёки ҳаракацизлигига, қарорлари устидан фуқаролар, тадбиркорлик субъектларининг берган мурожаатларини кўриб чиқишга ваколатли бўлган турли даражадаги маъмурий судларнинг тузилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини судда ҳимоя қилиш самарадорлигини тубдан оширади. Қонун меъёрларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг сифат ва самарадорлигини ошириш, номзодларни танлаш ва судялар лавозимларига тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мустаҳкамлаб қўйилди. Бинобарин, буларнинг барчаси бугунги кунда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш бўйича белгиланган вазифалар моҳият-еътибори билан бу соҳани бутунлай янги босқичга олиб чиқиш, пировардида инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини самарали таъминлашга кенг имкониятлар яратди.

Ҳаракатлар стратегиясида айнан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга алоҳида урғу берилгани бежиз эмас. Зеро, одил судловни оғишмай амалга оширишда, фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқлари бўйича адолатли қарор қабул қилишда бунинг аҳамияти бекиёс.

Мухтасар айтганда, инсон ҳуқуқларига оид халқаро принцип ва стандартларни ўзида мужассам этган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ва принциплари миллий қонунчилик негизини ташкил этди ҳамда юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг барқарор ҳуқуқий асосларини яратишда мустаҳкам пойдевор бўлди.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Т., “Ўзбекистон”, 2019.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси” фармони. ПФ-4849. 7.02.2017 йил.

3. Конституциявий ҳуқуқ: Дарслик. – Т., ИИВ Академияси, 2014. О“збекистон Республикасининг Конституциясини о“рганиш. Ўқув қўлланма-Т., “Шарқ”, 2010.